
ҲОКИМ СОЛИҚЧИЛАРНИ ТАҚДИРЛАДИ

Туман ҳоқими Дилшоджон Джалилов касб байрамлари муносабати билан туман Давлат солиқ инспекциясида бўлди. Ҳоким солиқчиларни касб байрамлари билан самимий табриклади. Соҳа ходимларининг юртимиз ривожига қўшаётган салмоқли ҳиссалари учун миннатдорчилик билдирди. Солиқ инспекцияси ва фидоий ходимларга байрам совғалари топширилди. Тадбирда туман ҳоқими биринчи ўринбосари А. Эралиев, ИИБ бошлиғи, подполковник Х. Тошпўлатов қатнашдилар.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ.

2021-08-12 15:57:15